

ИПДА БУРАМЛАР ТАҚСИМЛАНИШ НОТЕКИСЛИГИНИНГ ТАДҚИКИ

Эркинов Зокиржон Эркинбай ўғли

Наманган мұхандислик-технология институти “Тұқимачилик саноати маҳсулотлари технологиясы” кафедраси мудири

Азизов Иномжон Рашидович

Наманган мұхандислик-технология институти “Тұқимачилик саноати маҳсулотлари технологиясы” кафедраси доценти

Абдувалиев Давлатали Мұхаммаджон ўғли

Наманган мұхандислик-технология институти “Тұқимачилик саноати маҳсулотлари технологиясы” кафедраси тадқиқотчыси

Эркинова Шахзода Зокиржон қизи

Наманган мұхандислик-технология институти талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7317487>

Аннотация. Уибу мақолада тадқиқотчилар томонидан иларни пишиштеш жараёнида бурамларни назарий тадқиқини амалий тажрибаларга мутаносиблиги, бурам коэффициентини ип ва толаларнинг хоссаларига боғлиқлиги ҳамда ип узунлиги бўйлаб бурамни тақсимланиши бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг таҳлили келтирилган. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, ипнинг хоссалари ва технологик жараёнларнинг бурамлар тақсимланишига таъсири бўйича ҳулосалар берилган.

Калим сўзлар: бурам, нотекислик, ип, коэффициент, формула, тажриба, қонуният.

ИССЛЕДОВАНИЕ РАВНОМЕРНОСТИ РАСПРЕДЕЛЕНИЯ КРУТКИ В ПРЯЖЕ

Аннотация. В данной статье представлен анализ проведенных исследований по соотношению теоретического изучения распределения крутки в процессе прядения к практическим экспериментам, зависимости коэффициента крутки от свойств пряжи и волокон и распределения крутки в пряже. По результатам проведенного исследования даны выводы о свойствах пряжи и влиянии технологических процессов на распределение крутки вдоль пряжи.

Ключевые слова: крутика, неровнота, пряжа, коэффициент, формула, эксперимент, закономерность.

STUDY OF THE UNIFORMITY OF DISTRIBUTION SPINS IN YARN

Abstract. This article presents an analysis of the studies carried out on the ratio of the theoretical study of the distribution of twist in the spinning process to practical experiments, the dependence of the twist coefficient on the properties of yarn and fibers, and the distribution of twist in the yarn. Based on the results of the study, conclusions were drawn about the properties of yarn and the influence of technological processes on the distribution of twist along the yarn.

Keywords: twist, unevenness, yarn, coefficient, formula, experiment, regularity.

КИРИШ

Ип узунлиги бўйлаб бурамларнинг тақсимланиш нотекислиги асосий қўрсаткичлардан ҳисобланиб, мұхим амалий аҳамиятга эга [1-5]. Ип узунлиги бўйлаб бурамларнинг нотекис тарқалиши ипнинг ташки кўринишини ўзгартириш билан бир қаторда ипнинг бир қатор мұхим физик-механик қўрсаткичларини вариация нотекислигини келтириб чиқаради. Бундай иплар тайёр маҳсулотнинг ташки кўриниши ва

сифат кўрсаткичларининг ёмонлашувига олиб келади. Шунинг учун ипларнинг узунлиги бўйлаб бурамлар тақсимланиш нотекислиги миқдори стандартларда белгилаб қўйилган [6].

ТАДҚИҚОТ МАТЕРИАЛЛАРИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ипларда бурамлар тақсимланишини унинг йўғонлиги ва диаметрига боғлиқлигини дастлаб испаниялик олим А.Барелла илмий ишларида тадқиқ этган [7]. Муаллифнинг фикрича ипнинг ингичка жойларида бурамлар сони унинг йўғон жойларига нисбатан йиғилиб қолиши аввалдан маълум бўлган бўлсада, ушбу муаммо тўлиқ ўрганиб чиқилмаган.

Муаллиф томонидан тажрибавий тадқиқотлар асосан вариация коэффициентлари ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш мақсадида олиб борилган:

- ипнинг бурамлар тақсимоти C_K ва йўғонлиги C_T бўйича (чизиқий зичлик текседа) вариация коэффициентлар ўртасида;
- ипнинг диаметри C_d ва йўғонлиги C_T бўйича вариация коэффициентлари ўртасида.

Назарий тадқиқотлар натижасида

$$C_d = 0,5C_T \quad (1)$$

га тенг бўлиши аниқланган [1], ҳамда бурам тақсимланиши ип диаметрига тўртинчи даражали тескари пропорционаллиги белгиланган.

Тадқиқотчи олим Г.Брени фикрига кўра,

$$C_T = 2C_d \left(1 - 0,75C_d^2 + \dots \right) \quad (2)$$

Бироқ, тадқиқот иши [8] да кўрсатилишича формулада (2) фақатгина биринчи ҳад амалий аҳамиятли бўлади. Шундай қилиб, у формула (1)га мос келади.

Профессор В.А.Ворошилов биринчилардан бўлиб ип узунлиги бўйлаб бурамлар тақсимланишини ўрганишда бурам шаклланиш зonasида ипнинг бурам моменти доимийлиги гипотезасини қўллаган. Ушбу гипотезани кейинчалик тадқиқотчи олим К.Састмен қўллаган ва тажрибалар орқали уни тўғрилигини исботлаган. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, бошқа тадқиқотчилар томонидан олиб борилган изланишлар ҳам ушбу гипотезани тасдиқлаган.

Проф. В.А.Ворошилов таъкидлашича, ипнинг кўндаланг кесим юзаси – F , ипдаги толалар сони - f_T пропорционал бўлади, яъни:

$$FK = const, \quad (3)$$

Муаллиф таъкидлашича, ушбу тенглама тадқиқотчи Тернернинг махсус тадқиқотларига мос келади.Худди шунингдек, тадқиқотчи К.Састмэн ҳам айнан шу тенглама аналогини тавсия этган.

Ушбу тадқиқотчилар қаторида Г.Олеруп ва М.Руиз-Куеваслар ҳам ипда бурамлар тақсимланиши бўйича тадқиқотлар олиб борганлар.

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ

Тадқиқотчи олимлар томонидан олиб борилган тажрибалар натижаларидан күйидагиларни көлтириш мүмкін [9]:

1) Формула (1)да назарда тутилған назарий боғлиқлик мавжуд әмас. Доимо $C_d > 0,5C_T$, баъзан $C_d \approx C_T$ бўлади. Ушбу ҳолни А.Барелла ипнинг аниқланган диаметри назарий тадқиқотларда қабул қилинганд ҳисобий қийматига мос келмаслиги билан изоҳлайди. Бундан ташқари бурам ипнинг ингичка жойларига жамланиб, йўғон жойларга нисбатан қаттикроқ сиқади. Шу билан бирга В.Онионс таъкидлаганидек, ушбу ҳолатда ип диаметри бўйича вариация коэффициенти C_d ортади. C_d кўрсаткичи 0,5 C_T назарий кўрсаткичига ипда бурамлар нисбатан бир текис тақсимланган компакт ипларида яқинлашади.

2) Ип таранглиги P (сН)нинг ортиши унинг диаметрини тўғри чизиқли камайишига олиб келади:

$$d = d_0 - 0,0045 \sqrt{P} \quad (4)$$


бунда d_0 – эркин ҳолатдаги ип диаметри, мм.

Мос равища назарий кўрсаткичга яқинлашган ҳолда C_d ҳам камаяди.

3) Узунлик ўзгармас бўлган ($l=const$) ип бўлаги доимий маҳкамланган ҳолда ўтказилган синовларда, доимий ўзгармас таранглик $P=const$ да ўтказилган синовларга нисбатан C_d юқори кўрсаткичларга эришади. Кўрсаткичлардаги фарқ ипда бурамлар сони ортиши билан кўпаяди (1-расм) [10]. Назарий кўрсаткич $C_d=0,5C_T$ га $P=const$ шартли синовларда эришилган.

1 - расм.

Ип диаметри- C_d ни бурамлар сони - K га боғлиқлик графиги



Иплар қўйидаги шартларда пишитилган: 1 ва 2 – $l=const$ (10мм);

3 ва 4 - $P=const$; 5 ва 6 – назарий қийматлар сатҳи - $C_d=0,5C_T$.

Мавжуд маълумотлар (2.13-расм) кўрсатадики, одатда ип диаметри бўйича тажрибавий вариация коэффициенти - C_d катталиги синовларда назарий кўрсаткич $C_d=0,5C_T$ га нисбатан сезиларли юқори бўлади.

Ип таранглиги P , бурамлар сони ваипнинг зичлиги - δ ортиши билан оғишлар камаяди (2-расм).


Ушбу ҳолат компонентларнинг ўзаро таъсири ортиши натижасида ип диаметри вариация коэффициенти ортади деган фикрга олиб келади. Шунга қарамасдан манбаларда ипнинг ҳажми- ғанинг таъсирини инобатта олиш бўйича кўрсатмалар берилмаган.

Ф.Монфор ўтказган тадқиқотлари натижасида, синовлар сони $m=50$ марта 10-250 мм ипни бўшатиш натижасида аниқланган бурамлар сони - K ва чизиқли зичлик - T ўртасида ўзаро тескари боғлиқлик мавжудлигини таъкидлайди. Муаллиф томонидан ўтказган тадқиқотлари натижасига кўра, қуйидаги хуносалар қилиш мумкин [10]:

- 1) якка ипларни пишитиш давомида бурамлар тақсимланиши ва чизиқли зичликнинг турлича бўлиши ёки ўзгарувчан ўзаро боғлиқлик каби қўшимча таъсирлар кўрсатади;
- 2) агар пишитилган ип йўғонлиги бўйича бир текис бўлса, қўшимча таъсирлар уларни эътиборга олган ҳолда афзал бўлади.

2-расм.

Ип ҳажми - δ нинг пишитиш коэффициенти – ага боғлиқлик графиги (Проф. К.И.Корицкий тадқиқотлари натижасига кўра) [10].



Шундай қилиб, доимо якка ва пишитилган ипларни доимо фарқлаш лозим. Якка иплар назарийга яқинроқ натижаларни беради. Шу сабабли муаллиф ушбу ишида келгуси солиширишларда якка ипга эътибор қаратган.

Ф.Майяр, С.Роэрих ва Э. Амуруларнинг тадқиқотлари Ф.Монфор тадқиқотига ўхшаш тарзда олиб борилган бўлиб, улар «Устер-Цельвегер» жихозида олинган нотекислик диаграммаси амплитудаси - H ни чизиқли зичлик - T ўрнида фойдаланганлар.

Француз тадқиқотчилари [11] Устер бўйича ипда бурам тақсимланиши нотекислик коэффициенти – C_k ни 0,5 метрли, чизиқли зичлик бўйича нотекислик коэффициенти - C_T ни 80метрли кесимларда аниқлаганлар ва чизиқли зичлик – T бўйича ўзаро боғлиқлик коэффициентини якка ип учун $r^2 C_{kT}=0,32$ ҳамда пишитилган ип учун $r^2 C_{kT}=0,45$ бўлишини таъкидлайдилар. Муаллифлар Устер жихозида C_T катталиги етарлича аниқлиқда ўлчанмаслиги сабабли ушбу жихоздан машиналарни созлашда спектограммалар ёрдамида фойдаланишни таклиф этганлар. Шунга қарамасдан, ушбу тадқиқот иши натижаларига кўра қисқа тўлқинли C_k кўрсаткичини узун тўлқинли C_T кўрсаткичи билан солиширилганда боғланиш оралиғи сезиларли камаяди.

Юқоридаги тадқиқотлардаги тажрибаларда табиий толалардан ингичка жун толали, ипак или ва кимёвий комплекс иплардан фойдаланилган.

Д.П.Зубко [11] ўз тадқиқотларида пишитилган, якка ва армиранган ипларда бурам күрсаткичлари: бурамлар сони, бурам нотекислиги ва вариация коэффициентини аниқлаш учун ЭХМ программа алгоритмларини таклиф этган. Муаллиф ўз ишида рақамли тасвирлар орқали күрсаткичларни аниқлашни тавсия этади ва бунда қурилма сифатида планшетли сканер ва рақамли микроскопдан фойдаланган.

Россияда «Жун толалар илмий тадқиқот институти» (ЦНИИШерсти) олимлари томонидан олиб борилган тадқиқотларда, Француз тадқиқотчиларининг илгари сурган фикрлари асосланган ва тўлдирилган. Бундан ташқари ушбу тадқиқот давомида C_T ва C_k күрсаткичлари ўртасида тўғри чизиқли боғланиш мавжудлиги аниқланган:

$$C_k = 0,726 C_T + a_i \quad (2.54)$$

бунда a_i – доимий, якка иплар учун $0,5 \div 11,8$ гача ва пишитилган иплар учун $+1,9 \div -5,6$ гача ўзгарувчан.

АҚШ стандартларида яқинлашган ҳисоблашлар учун 2.54-формулага ҳос тўғри чизиқли боғланиш кўрсатилган:

$$C_k = C_T + 2 \quad (2.55)$$

Юқорида олимлар томонидан кўплаб тажриба – синовлар олиб борилган бўлсада, C_T , C_k ва C_d күрсаткичлардаги боғланишлар борлигини кўрсатувчи назария мавжуд эмас.

Иплар узунлиги бўйлаб бурамлар тақсимланиш нотекислиги ип чизиқли зичлиги бўйича нотекислиги билан узвий боғлиқ [12-13]. Бурамлар ипда нисбатан ингичка жойларда «тўпланади». Бу ҳолатни ипдаги ингичка жойларни бурам деформациясига қаршилиги йўғонроқ жойларга нисбатан камлиги билан изоҳлаш мумкин. Бошқача айтганда, бурамларнинг нотекис тақсимланишига ипларни пишитишдаги механик хоссаларининг нотекислиги сабаб бўлади. Илмий муҳимлиги ва амалий аҳамиятига қарамасдан бугунги қунгача ипларда бурамлар тақсимланиш нотекислигини ип физик-механик хоссалари ўртасидаги боғлиқлик чуқур таҳлил этилмаган.

МУҲОКАМА

Алоҳида олимлар томонидан олиб борилган тадқиқотлар ва уларнинг натижаларидан келиб чиқиб берилган ҳулосалар фақатгини тажриба олиб борган компонентлари учунгина ҳос бўлиб, улар бир-бирига ўхшамаган ҳамда умумлаштирилмаган. Ипларда бурамларнинг тақсимланиши бўйича турли шароит ва компонентлар учун объектив қонуниятларга асосланган чуқур тадқиқотлар олиб борилмаган. C_T ва C_k ҳамда C_d ва C_k орасидаги боғлиқликлар аналитик тадқиқ этилмаган.

Ушбу таҳлиллар С.Зарецкас томонидан чуқур тадқиқ этилган бўлиб, ипда бурамлар бир текис тақсимланиши бўйича тадқиқотларни якка ипнинг механик хоссаларининг ўзгаришини асосий умумий қонуниятларини аниқлашга йўналтирган [10].

ХУЛОСА

Муаллифлар томонидан юқоридаги тадқиқотлар таҳлиллари асосида қўйидаги ҳулосаларни келтирилган:

- Пишитиш жараёнида ипнинг механик хоссалари тўғрисида кўплаб маълумотлар тўпланган. Шунга қарамасдан улардаги компонентлар хоссаларининг мавҳумлиги, мезонлар ва баҳолаш усуслари турлича бўлгани сабабли уларни таққослаб, умумлаштириб бўлмайди. Ушбу маълумотлардан муаллифларнинг турлича ҳулосалари ва улар бир-бирига зидлиги сабабли умумий қонуниятларни аниқлаб бўлмайди. Шунга

қарамасдан, пишитиш жараёнидаги ипларнинг механик хоссалари ипларда бурамларни бир текис тақсимланишида мухим амалий қийматга эга.

2. Пишитиш жараёнида ипнинг механик хоссаларини тадқиқ этиш бўйича келгуси тадқиқотларни жараёндаги барча ўзгаришларни инобатга олган ҳолда олиб бориш лозим. Шунинг учун ипнинг механик тавсифлар билан бир вақтда геометрик ўзгаришлари ва пишитиш тавсифларини ҳам аниқлаш керак.

3. Мавжуд шароитда ипнинг механик хоссаларини ва бурамнинг мухим тавсифларини баҳолаш усууллари ҳамда мезони йўқ. Шунга қарамасдан ипларда бурамларнинг бир текис тақсимланишида бурам бурчаги – β , бурам коэффициенти – α , бурам - K кўплаб тадқиқотларда таққослаш учун мухим кўрсаткичлар эканлигини таъкидлаш лозим. Пишитилган ипларнинг узунлигини аниқлашда Y - ипларнинг қисқариши мухим кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

4. Ипларни пишитишда механик хоссаларини ўрганиш турли йўналишларда олиб борилган бўлиб, асосан тор йўналишларни қўзланган (маълум ассортиментдаги ипнинг алоҳида бирор хоссаси учун).

REFERENCES

1. Korabayev Sh.A; Matismailov S.L; Yuldashev A.T., Atanbayev D.D. (2020) "Study Of Fiber Movement Outside The Crater Of Pnevmomechanical Spinning Machine", Solid State Technology. Vol. 63 : Iss. 6. Pages 3460-3466.
2. Korabayev Sh.A., Meliboyev U.X., Boboyev U.A. Investigation of Optimization of The Speed of The Working Parts of a Rotor Spinning Machine. International Journal of Future Generation Communication and Networking Vol. 13, No. 4, (2020), pp. 964 – 975.
3. Yuldashev A.T., Matismailov S.L; Korabayev Sh.A., Aripova Sh.R., Matmuradova K.R. Investigation of Influence ofa New Twist Intensifier on the Properties of the Twisted Yarn. Turkish Journal of Computer and Mathematics Education Vol.12 No. 5 (2021), 1943-1949. <https://doi.org/10.17762/turcomat.v12i5.2275>
4. Erkinov, Z., Abduvaliyev, D., Izatillya, M., & Qorabayev, S. (2020). Theoretical studies on the definition of the law of motion and the equilibrium provision of the ball regulating the uniform distribution of the torque along the yarn. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(11), 2338-2347
5. Корабаев, Ш., Тожимирзаев, С., Жабборова, Г., & Бахромжонова, М. (2021). К определению радиуса зоны проскальзивания волокон, расположенных в пряже по винтовым линиям. Збірник наукових праць ЛОГОС.
6. Эркинов З., Жуманиязов Қ., Тўланов Ш., Бозорбоев Н. Ипда бурамлар тақсимланиш нотекислигининг тадқиқи. Наманганд мұхандислик-технология институти илмий-техника журнали. 2016 й. №2. 52-65 б.
7. Barella A. The Influence of Twist on the Regularity of the Apparent Diameter of Worsted Yarns. <https://www.tandfonline.com/doi/abs/10.1080/19447015208664101>
8. Мигушов И.И. Механика текстильной нити и ткани: моногр.- М.: Легкая индустрия, 1980. – 160с.
9. Алимова Ҳ.А., Ибрагимов Ҳ.Ҳ., Жуманиязов Қ.Ж. Пишитилган ип ва ип буюмлари ишлаб чиқариш.ТТЕСИ нашриёт босмахонаси. Тошкент 2003й. 246 бет.

10. Зарецкас С. – Г. С. Механические свойства нитей при кручении. – М.: Легкая индустрия, 1979. – 184с., ил.
11. Зубко Д.П. Разработка методов компьютерного измерения показателей скрученности пряжи. Дисерт. канд. техн. наук. Кострома (КГТУ). 2002г. 145с.
12. Korabayev Sh.A; Matismailov S.L; Miraxmedov A.G; Shaxobiddinova D.E (2021) Characteristics of yarn spun on different spinning machines. section xvii. technologies de l'industrie légère et le travail du bois. 5 février 2021 • Paris, République française. Pages 37-39.
13. Korabayev Sh. A., Jabborova G.A., Baxromjonova M.B., Sotvoldiyev K.B. To'qimachilik va yigiruv korxonalarida mahsulot sifatini oshirish va texnikatexnologiyani rivojlantirish. NamMTI. “Paxta, to'qimachilik va yengil sanoat mahsulotlari sifatini ta'minlashning zamonaviy konsepsiyalari” mavzusida o'tkazilgan halqaro ilmiy-amaliy konferensiya. (Namangan 2021 yil 22-23 aprel) 1-TOM. B 225-227.